



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

2020 йил 6 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 18 (14.069)

Баҳоси эркин нарҳда

ТАШҚИ САВДО ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Бу соҳада узоқ йиллардан буюн тизимли ишлар олиб борилмагани ташқи савдо амалиётида муайян қийинчиликлар туғдирмакда. Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" рейтингига "Халқаро савдо" йўналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Йиғилишда мазкур рейтингда мамлакатимиз позициясини яхшилаш, жаҳон тажрибаси асосида назорат идораларининг ишини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, қўллад давлатларда юқлар чегарага этиб келмасидан олдин улар ҳақида ахборот берилиб, юқнинг тез чиқиб кетиши таъминланади. Ўзбекистонда эса ўтган йили 416 мингта декларациядан атиги 344 таси юқ чегарага келгунча расмийлаштирилган. Юқ тўғрисида олдиндан маълумот бериш автомобиль транспортида 98 фоизни ташкил этса, темир йўлда умуман йўлга қўйилмаган.

Шу боис назоратни чегарада эмас, балки юқлар кириб келишидан олдин ёки мамлакат ичкарисида эркин муомалага чиқарилгандан кейин амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Бугунги кунда 1 минг 836 турдаги товар бир вақтда учта идора томонидан текширилиши, оқибатда импорт-экспорт ҳужжатларини расмийлаштириш ҳафтаб-чўзилаётгани танқид қилинди. Божхона, ветеринария, карантин, санитария, стандарт, экология идоралари иш услубини ўзгартириши, уларнинг асосий вазифаси махсулотлар экспортини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Товарларнинг божхона қийматини тезкор аниқ-

лаш имконияти бўлмаганда, тадбиркор тўлов қилиб ўша захоти маҳсулотини олиб кетадиган, бунга аниқлик киритилганидан кейин фарқни тўлайдиган тизим жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасига халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, янги Божхона кодексини ишлаб чиқиш, божхона органлари ташкилий тузилмаси ва маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ходимлари экин майдонларига чиқиб, хорижий мамлакатларнинг кимёвий ва биологик воситаларини қўллаш бўйича талабларни деҳқонларга тушунирадиган, амалий кўмак берадиган тузилмага айланishi лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз рақамли технологияларни жорий қилиб, инсон омилини максимал қисқартириш орқали коррупция ва ноқонуний товар айланмасига барҳам бериш зарурлигини таъкидлади.

Импорт маҳсулотларининг чегарадан то охиригача истеъмолчигача бўлган ҳаракати божхона ва солиқ идоралари томонидан ягона электрон тизим орқали назорат қилиниши керак. Мисол учун, божхона декларациясини электрон ҳисоб-фактура ва онлайн назорат кассасига боғлаш орқали бу масалани ҳал этиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга рухсатнома ва лаборатория текширувлари ҳужжатларини тўлиқ рақамлаштириш, автоматлаштирилган "рисканализ" тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда юқларни чегара пунктларидан ўтказиш вақтини қисқартириш масаласи атрофича муҳокама қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги 3 йилда қўшни давлатлар билан чегара орқали ўтган инсонлар сони 2 баробар, транспорт воситалари сони қарийб 3 баробар ошган. Лекин ҳозирги инфратузилма бундай талабга тўла жавоб берайди. Масалан, айрим ветеринария ва карантин пунктларида зарур жиҳозлар йўқ, Чегарадаги санитария ва эпи-

демиология хизмати ҳам ташқи хавфларга тайёр эмас.

Юқлар оқимини тақсимлаш ишлари оқилона ташкил этилмаган. Божхона хизматида постларни масофадан назорат қилиш тизими – Ситуацион марказ йўқлиги оқибатида постларда тирбандликлар пайдо бўлмакда. Бу тадбиркорлар учун ҳам, давлат бюджети учун ҳам ортиқча харажат келтириб чиқармакда.

Шу боис мутасаддиларга чегара постларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, жорий йил 1 октябрга қадар Ситуацион марказни ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, чегарадош давлатлар билан юқларни "бир бекатда текшириш" тизимини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Ташқи савдо назорати идоралари чет эллардаги ҳамкасблари билан яқиндан ишлаб, тажриба алмашиши, уларнинг текширув-синов лабораторияларини юртимизда ташкил этиб, товарларни хорижий талабларга мос рухсатномалар билан жўнатишни йўлга қўйиши зарурлиги таъкидланди.

Ташқи иқтисодий фаолият жараёнини соддалаштириш учун миллий қонунийликни божхона, санитария-эпидемиология, транспорт, стандарт, ветеринария, карантин йўналишларидаги халқаро келишувларга уйғунлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Божхона институтида ўқитиш жараёни замон талабига жавоб бермаслиги қайд этилиб, унинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, ветеринария ва карантин ходимларини халқаро андозалар асосида қайта тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди. Жаҳон божхона ташкилоти билан эришилган келишувга мувофиқ кадрлар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларга тўхталиб ўтилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ

ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонини имзолади.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 58 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 41 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 3 нафарига тайинланган жазо энгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, 44 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда. Шу-

нингдек, 14 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 2 нафарини аёллар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, ҳалқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-муруват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш-монтаж ишлари сифатини янада ошириш, қурилиш соҳасидаги назорат қилувчи инспекциялар ролини кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги "Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5577-сон Фармонида мувофиқ:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасининг 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари (кейинги ўринларда – объектлар) учун хавф-хатарлар тоифалари ва объектларнинг функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда давлат қури-

лиш назоратининг такомиллашган янги тартибининг жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳуқуқат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин: объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишга, объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби ва даврийлигига қўйиладиган табақалашган талабларни уларнинг хавф-хатарлар тоифаси ва функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН – СИНГАПУР: ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев 5 февраль куни мамлакатимизда бўлиб турган Сингапур Республикаси Савдо ва саноат, миллий ривожланиш бўйича катта давлат вазири Ко По Кун бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Сўхбат чоғида меҳмонларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўзлаб берилди. Эришилаётган натижалар халқимиз ҳаётини сезиларли даражада ижобий томонга ўзгартираётгани таъкидланди.

Янгиликлар жараёнида, хусусан, давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш борасида Сингапур тажрибасини ўрганиш муҳимлиги қайд этилди.

Ко По Кун сўнгги йилларда Ўзбекистонда юз бераётган улкан иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ўзгаришларни халқаро ҳамжамият, жумладан, Сингапур халқи ҳам катта қизиқиш билан кузатиб бораётганини маълум қилди. Мамлакатда кечаётган демократик янгиликлар хорижий давлатлар, хусусан, Сингапур билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим омили бўлиши алоҳида қайд этилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мунтазам кенгайтириб бориш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, айниқса, давлат ходимлари маълумоти ошириш бўйича тажриба алмашиш учун Сингапур олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик ўрнатилгани келибиб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида тўридан-тўғри самолёт қатновини йўлга қўйиш масаласи муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида мунтазам ҳаво қатнови йўлга қўйилиши дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш билан бирга, туризм соҳасини ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар яратиши таъкидланди.

Саидмурод РАҲИМОВ

2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

ИХТИРОЧИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон иختирочи аёллари маркази томонидан "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" III республика танловининг якуний босқичи ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, иختирочилик, рационализаторлик, тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Аънанавий тарзда ўтказилаётган "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" республика танлови ҳам айни шу мақсадларга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

"Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" танлови иختирочилик,



(Давоми 2-бетда)

• Ангор туманидаги таълим муассасаларида аъло баҳоларга ўқийётган фаол ёшлар учун мамлакатимизни қўшни Афғонистон билан ажратиб турадиган Амударё ўртасида жойлашган Пайгамбар оролига инфотур ташкил этилди.

• Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш йиғилишида, шунингдек, Термиз давлат университети Денов филиали, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент тиббиёт академияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиаллари директорларининг ҳам ҳисоботлари эшитилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. Соҳага инновацион гоғяларни жорий этиб, таълим сифатини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

• Республика Маънавият ва маърифат марказида "Янги Ўзбекистон тараққиётида жамоат ташкилотларининг ўрни" мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Президентимизнинг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунийлик палатасига йўллаган Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбир-



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда вилоят прокурори кубоги учун кардинг ва ҳаво куролидан ўқ отиш бўйича вилоят бичирчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгаши томонидан вилоят прокуратураси, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этган мусобақада юзга яқин спортчи иштирок этди. "Ватанпарвар" ташкилотининг спорт техникалари кўргазмаси, ракетамодел ва авиамодел спорт секцияси аъзолари томонидан намоён этилган кўргазмали парвозлар мухлисларининг олқишига сазовор бўлди.

ЖАҲОНДА

• Apple коронавирус тарқалиши сабабли Хитой худудидagi барча офис, дўкон ва сервис марказларини 9 февралгача ёпди. Қайд этилишича, компаниянинг Хонконг, Макао ва Тайвандаги бўлимлари ишлашда давом этади. Компания коронавирус билан боғлиқ вазиятни кузатиб бориш ва дўконларини имкон борича тезроқ очишга ваъда берди.

• Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штати Фаррухобод округида 23 болани гаровга олган эркак полиция томонидан отиб ташланди. Аввалроқ Суреш Батам исмли эркак бир ёшли қизининг туғилган кунини нишонлаш учун уйига болаларни таклиф қилиб, сўнгра уларни гаровга олгани маълум қилинганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ТУБДАН
ЯХШИЛАШ ВА ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

қурилиш якунланганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари қошида қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари (кейинги ўринларда – ҳудудий инспекциялар) томонидан объектнинг қурилиш соҳасига оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини инструментал техник текширувдан ўтказишни жорий қилган ҳолда, **хавф-хатар тоифаси паст ва яққа тартибдаги уй-жой қурилиши** объектлари учун **лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси, муаллифлик назорати ва давлат қурилиш назоратини** амалга ошириш бўйича мажбурий талабларни бекор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) ва ҳудудий инспекциялар инспекторларига, шунингдек, **хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектларда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга** қўйилмаган талаблар ва уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

“Қурилишдаги назорат” қўйи тизимини 2020 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳрида синов тариқасида ишга туширилган ҳолда, 2020 йил давомида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, электрон ҳужжат алмашинувини босқичма-босқич жорий этиш.

2. Инспекция ва ҳудудий инспекцияларга давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида:

бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструкция ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда **қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш;**

юридик ва жисмоний шахсларга объектадаги ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равишда, бироқ 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгиланган ҳолда, **аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;**

лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун **лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш** масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш;

объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилган аниқланган ҳолатларда, **қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ва қўлланниш тўхтатиб туриш** ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш ҳуқуқи берилсин.

3. Қўйидагилар:

а) 2020 йил 1 мартдан бошлаб бюджет тизимидаги бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилган объектлардан ташқари **капитал таъмирлаш объектларида** давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича талаблар;

б) Инспекция ва ҳудудий инспекциялар томонидан қурилиш тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат бериш тартибининг жорий қилган ҳолда, уларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича мавжуд тартиб-таомиллар қўйидаги муддатларда босқичма-босқич бекор қилинсин;

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар **хавф-хатар тоифаси паст объектлар учун – 2020 йил 1 майдан;**

давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилган объектлар учун – 2022 йил 1 январдан;

бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилган объектлар учун – 2021 йил 1 январдан.

4. Белгилансинки, объектларни фойдаланишга қабул қилиш учун рухсатномалар бериш тартиби татбиқ қилинганга қадар Инспекция ва ҳудудий инспекциялар қурилиш тугалланган объектларини (давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилган объектлардан ташқари) фойдаланишга қабул қилиш жараёнига давлат санитария назорати ва давлат ёнгин назорати ҳудудий органларини жалб қилади ҳамда улар объектларни қабул қилиш муддатлари доирасида Инспекция ва ҳудудий инспекцияларга объектнинг санитария нормалари ва ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда ҳудудий инспекцияларнинг давлат санитария ва ёнгин назорати ҳудудий органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги, Адлия вазирлигининг:

Инспекцияга давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомини бериш ва ҳудудий инспекцияларни унга бўйсундириш;

Инспекция тузилмасида 2 та бошқарув ходими штат бирлигидан иборат бўлган **Комплаенс хизмати**ни ташкил қилиш ва ҳудудий инспекциялар тузилмасига **комплаенс-назорат бўйича мутахассис** лавозимини киритиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2020 йил 1 июндан бошлаб Инспекция ва ҳудудий инспекциялар бошлиқларига, ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирилган ҳолатларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, **шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш** ваколати берилсин.

6. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 40 нафардан иборат **тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Инспекция бошлиғига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида, заруратга кўра, Инспекция штат бирликларига ўзгартiriшлар киритиш;

объектлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий инспекциялар тузилмаси ва штат бирликларини нормативларини тасдиқлаш;

ҳудудий инспекцияларнинг харажатлар сметасини тасдиқлаш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекция **республика давлат бошқаруви органи** ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига ҳисобдор бўлади;

ҳудудий инспекцияларнинг бошлиқлари **Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири билан келишилган ҳолда Инспекция бошлиғи томонидан** лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Инспекциянинг **Комплаенс хизмати** ва ҳудудий инспекцияларнинг **комплаенс-назорат бўйича мутахассислари бевосита Инспекция бошлиғига бўйсунсин;**

Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан, ҳудудий инспекциялар фаолияти эса қурилиш-монтаж ишлари қийматидан ажратмалардан шакллантирилувчи маблағлар ҳамда шартнома асосида бажариладиган ишлар ва хизматлардан тушадиган даромадлар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича ҳудудий инспекцияларга ажратмалар қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизига тенг ягона миқдорда (қўшимча қиймат солиғисиз) белгиланади ва қўйидаги тартибда тақсимланади:

0,02 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма), шу жумладан, 0,01 фоизи – Инспекция ва унинг ҳудудий инспекциялари эҳтиёжларини молиялаштиришга йўналтирилади;

0,18 фоизи ҳудудий инспекциялар ихтиёрида қолдирилади.

9. Жамғарма маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланишга рухсат берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг жорий ва бошқа харажатларини молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қурилишда стандартлаштириш республика маркази ҳузурда объектлар конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмларини халқаро стандартларга мувофиқ тўлақонли синовдан ўтказишни амалга оширувчи **Комплекс қурилиш синов лабораториясини** (кейинги ўринларда – Комплекс лаборатория) ташкил қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг таклифи маъқуллансин.

Комплекс лабораторияни ташкил қилиш ва жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 2020 йилда ажратиладиган 20 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдордаги маблағлар ҳамда етмайдиган қисми учун – Жамғарма маблағлари белгилансин.

11. Қўйидагилар:

Қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмлари бўйича Комплекс қурилиш синов лабораторияси томонидан ўтказиладиган синовларнинг асосий йўналишлари 3-иловага мувофиқ;

Комплекс қурилиш синов лабораториясини жиҳозлаш учун харид қилинадиган асосий ус-

қуналар, машина ва механизмлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. 2020 йил 1 мартдан бошлаб **Инспекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 1,4 баробарга оширилсин.**

13. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда:

икки ой муддатда Инспекция ва ҳудудий инспекциялар тўғрисидаги, шунингдек, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги ҳукумат қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2020 йил 1 июнга қадар ички назоратни, муаллифлик ва техник назоратни, шунингдек, объектлар устидан давлат қурилиш назоратини амалга оширувчи мутахассислар сертификациядан ўтказилишини таъминласин;

б) бир ой муддатда Жамғарма маблағлари ва ҳудудий инспекциялар маблағлари ҳисобидан 2020-2021 йилларда ҳудудий инспекцияларни замонавий мобил кўчма қурилиш лабораториялари билан жиҳозлаш дастурини тасдиқласин;

в) Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимларининг доимий равишда, шу жумладан, чет элда малака оширишни ва кейинчалик ҳар бир ҳудудий инспекциядаги ходимлар учун мажбурий тренинглار ўтказилишини ташкил қилсин;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Инспекцияни мебель, инвентар, усуналар ва қўйилган вазибаларни самарали бажариши учун зарур бўлган бошқа воситалар билан таъминласин, шу жумладан, 3 донна хизмат енгил автомобили ажратсин;

д) 2020 йил 1 августга қадар халқаро молия институтлари ва ташкилотларини ҳамда малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, давлат органларининг самарасиз ва ортиқча функцияларини бекор қилиш, шунингдек, илгор хорижий тажриба асосида ушбу жараёнга хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишни назарда тутиш ҳолда, қурилиш устидан назорат механизмлари самарадорлигини янада ошириш бўйича таклифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда икки ой муддатда тақдим этиладиган маълумотлар рўйхатини кўрсатган ҳолда давлат органлари ва Инспекция ўртасида идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

15. Инспекция Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 6-уй манзилида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда ҳудудий инспекцияларни жойлаштириш учун бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида бинолар ажратиб берилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартiriш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарор ижросини назорат қилишнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов – мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар ойда бажаришга ишлар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

қурилиш вазири Б.И.Закиров – мазкур қарорнинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши бўйича барча зарур чоралар кўрилишини, мазкур қарорни ўз вақтида ижро этишда масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам берилишини таъминласин, шунингдек, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматовга унинг амалга оширилиши жараёни тўғрисида батафсил маълумот тақдим этсин;

қурилиш вазирининг ўринбосари – Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи К.Н.Тулаганов – давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартибининг жорий этиш, Инспекция ва ҳудудий инспекциялар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини босқичма-босқич татбиқ қилиш бўйича ишлар сифатли ташкиллаштирилишини, шунингдек, ушбу қарорни амалга ошириш давомида юзага келадиган жорий масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 5 февраль

Аксс-садо

КЕЛАЖАККА УМИД
БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглаб, дилимда ёруғ тилакларга янада ишонч уйғонди. Бу тилаклар умумхалқ манфаати, маънавияти билан боғлиқлиги, режалар бугунимиз ва келажакимизнинг фаровонлигига қаратилганлиги учун ҳам аҳамиятлидир.

Ўртбошимизнинг маъшум қатагон йилларида миллатимизнинг маърифатли бўлишида жон куйдирган, қурашган маърифатпарвар зиёлиларимиздан Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллигини нишонлаш ҳақидаги тақлифлари халқимизни, айниқса, биз қалам аҳлини жуда мамнун этди. Зеро, бугунгидек тинч отаётган тонгимиз, осуда таётган шомимиз учун Қодирий, Бехбудий ва Фитрат каби аждодларимизнинг фидойилиги, юрагига тўқилган кўз ёшларининг ҳаққи, хизмати улкан.

Дарвоқе, яқинда улғу адабиимиз Абдулла Қодирийнинг набириси, таниқли журналист Хондамир Қодирий билан суҳбатлашганимда, у ўтган кунлар армони ҳақида сўзлади. “Бобом Қодирийнинг ижоди ва мустақлла таъминининг эл эзилари бошига солган қўриқчилари ҳақида отам Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” номли асаридан жуда кўп ҳақиқатлар тилга олинган. Отам доим “Бобом билан фахрланганлар, лекин мактанманглар” дердилар. Шунинг учун ҳам камтарлик, ҳалолик ота-мерос туйғу бизга. Бугун муҳтарам Президентимиз томонидан буюк ёзувчимиз Қодирий сиймосига, унинг асарларига қўрсатилган эътиборидан дилимиз янаям фахр-ифтихорга тўлди. Бир пайтлар чўққона қилинган ота уйимиз ўрнида бугун Абдулла Қодирий номидаги уй-муҳазаси қад ростлади. Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан қилинган бундай улкан сазй-ҳаракатларга, умуман маориф ва адабиётга қаратилаётган эътиборга барчамиз муносиб бўлишимиз керак” деган фикрларни айтди.

Дарҳақиқат, Мурожаатномада кўп гаплар, ечимини кутаётган фикрлар, муаммолар ўртага ташланди. Чунончи, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” дастурига қўйрилган ёш авлодин миллий ғоя асосида камол топтиришда биз иждоқорларнинг меҳнати ва масъулияти янада ошиши, шубҳасиз. Бундай катта мақсадларни, масалаларни ҳал қилишда барчамиз яқдил, ўз касб-коримизда, виждонимиз олдида собит турмоғимиз керак, албатта.

Наргиза АСАДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси

ИХТИРОЧИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танловнинг биринчи босқичида 4000 нафардан ортиқ олина, тадқиқотчи, иқтидорли талаба ва ўқувчи-қизлар, ихтирочи, рационализатор, муҳандис, конструктор, дастурчи, шифокор, фармацевт, хунарманд, тадбиркор ҳамда мутахассис хотин-қизлар ўз ихтиролари, инновация ва технология ва лойиҳалари билан иштирок этди. Яқуний босқичда 250 дан зиёд хотин-қиз қатнашмоқда. Унинг доирасида ихтидорли хотин-қизларнинг инновацион лойиҳалари, ишланмалари, технология ва дастурий маҳсулотлари бўйича кўргазмалар ҳам ташкил этилди.

Юлдуз Саидова тиббиёт ҳамда иқтисодиёт йўналиши бўйича олий таълим даргоҳида таҳсил олган. “FYUNISA” масъулияти чекланган жамиятида фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи аёл “Мўъжиза” функционал нон маҳсулотининг технологиясини яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этган. Тадқиқотчининг айтишича, йиғирма турдан ортиқ аминокислоталар, витамин ва минерал моддалар, оксил, антиоксидантлар, углевод ва ёғ билан бойитилган нон маҳсулотни модда алмашинувини яхшилашда, иммунитетни кўтариш, қанднинг қонга сингишини секинлаштириш, ичакларни зарарли токсинлардан тозалаш ва бошқа кўплаб ижобий хусусиятларга эга. Болалар ва ўсмирлар, фарзанд кўриш арафасидаги ва ёш болали аёллар, шу билан бирга соғлом овқatlanиш тарзига амал қилувчилар учун гоёт фойдали бўлган ушбу нон савдо шохобчалари билан бирга мактабга таълим масканлари, мактаблар, махсус таълим масканлари, Меҳрибонлик уйлари, шифохоналар, туғруқ комплексларига, эндокринология йўналишидаги тиббиёт масканларига етказиб берилади. Айни пайтда бу маҳсулотга аҳоли томонидан ҳам эҳтиёж катталиги эътиборга моликдир.

Қамола Тўқонова Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 2-умумтаълим мактабидан инглиз тилидан дарс беради. Ахборот технологиялари соҳасига қизиқадиган Қамола опа “E-Jurnal” дастурий лойиҳаси устида кўп йиллардан буюн ишлашни олиб боради. Эндиликда ўзи меҳнат қилаётган мактабда жорий этилган ушбу электрон журнал ота-оналарни мактаб билан тўғридан-тўғри боғлаб туриш, фарзандининг давомати, фанларни ўзлаштириши, хулқи, ўқишга бўлган муносабати билан муттасил танишиб бориш имконини беради. Бунда ўқувчининг ўзлаштиришига доир маълумотлар ота-онанинг мобил телефонига муттасил келиб туради.

– Бугун ўқувчилар замонавий техник воситаларга жуда қизиқсади, – деди Қамола Тўқонова. – Дарсларга илгор инновацион технологияларни, замонавий услубларни қўллаш болаларнинг бу қизиқшини тўғри йўналтиришда, билим олишга бўлган интилишини кучайтиришда жуда қўл келади. Сир эмаски, кўпчилик ота-оналар иш билан бандлигини рўқач қилиб, фарзандининг қандай ўқишини назорат қилмайди. Шу маънода электрон журнал ота-оналарга жуда маъқул келмоқда.

“Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” III республика танловининг яқуний босқичи доирасида форумлар, маҳорат дарслари, тақдимотлар, маърифий семинарлар бўлиб ўтади. Танловнинг голбилари эса 8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни байрами арафасида эълон қилинади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Боситхонова сўзга чиқди.

Назokat УСМОЛОВА